

## ФАРҒОНА ВОДИЙСИ НЕФТЬ САНОАТИНИНГ РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИГА ЙЎНАЛТИРИЛИШИ

Хуснида Эргашева,

Ўзбекистон Миллий университети

Ўзбекистон тарихи кафедраси таянч докторанти

### Аннотация

Мақолада Фарғонада нефть саноатининг республика халқ хўжалигига йўналтирилиш тарихини ёритишни мақсад қилиб олинган. Мавзунини ёритишда Ўзбекистон Миллий Давлат архиви фондларидаги архив ҳужжатларидан, нефть саноати соҳаси тарихига оид илмий адабиётлардан фойдаланиб, нефть саноати соҳасига таъсир кўрсатган омиллар ўрганилиб, мавзуга доир хулосалар қилинган.

**Калит сўзлар:** нефть саноатининг ривожланиши, нефтни қайта ишлаш, нефть саноати, нефть кимё саноатининг асосий хом ашёси эканлиги нефтьдан мақсадли фойдаланиш.

### Абстрактный

Цель статьи - осветить историю развития нефтяной промышленности Ферганы в народном хозяйстве республики. При освещении темы с использованием архивных документов Национального государственного архива Узбекистана, научной литературы по истории нефтяной промышленности изучены факторы, повлиявшие на нефтяную отрасль, и сделаны выводы по теме.

**Ключевые слова:** развитие нефтяной промышленности, нефтепереработка, нефтяная промышленность, целевое использование нефти как основного сырья нефтехимической промышленности.

### Abstract

The purpose of the article is to illuminate the history of the oil industry in Fergana to the national economy of the republic. In covering the topic, using archival documents from the National State Archives of Uzbekistan, scientific literature on



the history of the oil industry, the factors that influenced the oil industry were studied, and conclusions were made on the topic.

**Keywords:** development of the oil industry, oil refining, oil industry, purposeful use of oil as the main raw material of the petrochemical industry.

Фарғона водийсидан аниқланган нефтдан қадим замонлардан буён инсонлар ўз эҳтиёжлари учун кенг фойдаланиб келган. XIX аср ўрталарига келиб эса нефть саноат даражасига кўтарилди. XX аср бошларида Фарғона водийсидаги нефтни қазиб олиш ва қайта ишлаш учун чет эл капиталлари киритила бошланиши бу соҳанинг янада ривожланишига сабаб бўлган. Нефтга бўлган эҳтиёж автомобиллар, транспорт воситаларининг кўплаб турлари пайдо бўлиши, саноат корхоналарининг эҳтиёжи сабабли бу соҳани ривожлантириб борилди.

Болшевиклар Бутуниттифоқ Коммунистик партияси (ВКП (б)) нинг XV съездида нефт қазиб олишни янада ривожлантиришни ўз ичига олган йўналишлар белгилаб берилди. Унда нефт саноати бошқарувини 1928-1932-йилларни ўз ичига олган биринчи беш йиллик режаларда яхшилаш, шунингдек, иқтисодиётнинг барча тармоқларининг ёқилғига бўлган талабини қондириш учун нефт ва нефт маҳсулотларига эътибор қаратилиши белгиланган[1]. Ушбу съездда белгиланган қарорлар асосида нефт саноатига эътибор қаратилди.

СССР ҳукуматининг Фарғона водийсида нефт саноатини ривожлантиришга эътибор қаратилишининг ўзига хос сабаблари мавжуд бўлган. Бунга *биринчидан*, Фарғона водийси республиканинг умумиттифоқ меҳнат тақсимотида мамлакатнинг асосий пахта базаси бўлганлиги, *иккинчидан*, бу ерда асосан қишлоқ хўжалигига йўналтирилган саноат корхоналарини, яъни пахта тозалаш заводларининг мавжудлиги, пахтачилик комплексини шакллантирилганлиги, *учунчидан*, ушбу саноат корхоналарини ривожлантириш, кўпроқ пахта хом ашёсини ташиб кетиш мақсадида саноатни ҳамда транспортни ёқилғига бўлган эҳтиёжларини қондириш[2] учун бу соҳани ривожлантирилди. Чунки ташқаридан ёқилғи ташиб келтиришдан кўра, шу ҳудуднинг ўзидан эҳтиёжни қоплаш учун ёқилғи ишлаб чиқариш иқтисодий фойда келтиради.



1926-1927-йилларда Фарғона водийсида жойлашган Чимён нефть конларидан 450 минг пуд нефт қазиб олинган. Лекин, шу йилларда республикада ёқилғи истеъмолига талаб юқори бўлган. Бу кўрсаткич, темир йўлда 7 миллион пуд, саноатда 1 миллион пуд, давлат муассасалари ва аҳолининг керосин маҳсулотига бўлган эҳтиёжи 1,5 миллион пудни ташкил қилган[3]. Эҳтиёжни қоплаш учун четдан ёқилғи ташиб келтирилган. Бу ердан қазиб олинган нефт эҳтиёжга нисбатан олиб қаралса, жуда паст даражада бўлган. Бунга нефт саноатидаги техникаларнинг эскирганлиги, мутахассис кадрларнинг етишмаслиги таъсир кўрсатган. Сохани ривожлантириш учун аввало янги ускуналар, техникалар олиб келинди. Шу билан биргаликда бу сохани ривожлантириш мақсадида мавжуд нефт конларидан ташқари янги нефть захираларини аниқлаб ишга тушириш учун геологик тадқиқот ишларини амалга оширишга киришилди. Бунинг натижасида Фарғона водийсидан кўплаб янги нефть конлари аниқланди ва ишга туширилди. Бу жараён айниқса иккинчи жаҳон уруши йилларида амалга оширилди. Бу эса Фарғона водийсида нефть саноатини тез суръатлар билан ривожланиб боришига сабаб бўлди. Янги нефть захираларини аниқланиши натижасида 1945-йилга келиб республика миқёсида 478 минг тонна нефть қазиб олинди ва қайта ишланди. Бу кўрсаткич 1940-йилда 119 минг тоннани ташкил қилганди. Шу билан бирга 1940-йилга келиб Ўзбекистонда нефть саноатининг тўлиқ мажмуаси яратилди. Ушбу мажмуага қурилиш трестлари, 2 та нефть қазиб олиш трести, озокерит ишлаб чиқариш нефтни қайта ишлаш заводи, нефть ускуналари заводи киритилган[4]. Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги йилларда олиб борилган геологик тадқиқотлар натижасида Фарғона водийсида 15 та нефт ва газ конлари ишга туширилиб, ушбу конлардан 2-6 миллион тоннадан ошмаган ҳолда маҳсулот олинган[5].

Иккинчи жаҳон уруши йиллари аниқланган янги нефт конлари жамиятда саноатнинг барча тамоқларини юксалишига сабаб бўлди. Урушга жалб қилинган автомобилларни, саноатдаги техникаларни, қишлоқ хўжалигидаги техникаларни ёқилғи билан таъминлаш учун ҳам ушбу соҳа ривожлантирилди. Фарғона водийсидан қазиб олинган нефть таркиби жиҳатидан бензин миқдорининг кўплиги ва парафиннинг мавжудлиги ҳамда асфальт-қатронли моддаларнинг кўплиги билан республиканинг бошқа ҳудудларидан қазиб олинган нефтдан ажралиб туради. Шунинг учун бу ҳудудда кўплаб геологик



тадқиқотлар ишлари амалга оширилди, янги нефт конлари аниқланди. Бундан ташқари, Фарғона водийсидан қазиб олинган нефтга ҳамроҳ бўлган табиий газ, озокерит, олтингугурт ва бошқа маҳсулотлар мавжуд бўлган[6]. Ушбу нефт маҳсулотларини қайта ишланиб, халқ хўжалигида фойдаланилди. Шу билан биргаликда нефт қудуқларига такрорий ишлов бериш орқали ҳам қўшимча нефт қазиб олишга ҳаракат қилинди.

1946-йилдан бошлаб Фарғона конларидан қўшимча нефт қазиб олиш учун қудуқларни такрорий кислотали ишлов бериш орқали қазиб олиш ишлари йўлга қўйилди. Конларга такрорий ишлов бериш орқали 1946-1967-йиллар давомида жами 2971 та иш олиб борилган бўлиб, шундан 1728 та ишлар самарали натижа берди. Яъни, конлардан қўшимча равишда ўртача 1 миллион тоннагача нефт қазиб олинди. Ушбу конларни қазиб олишда нефтнинг йиллик энг кўп ўсиш миқдори 1959-йилда 120,7 минг тоннани ташкил этди. Фарғонада янги қувватларнинг қўшилиши муносабати билан муваффақиятли қайта ишлаш бўйича нефт қазиб олиш ҳажмининг ўсиши турлича бўлиб, бу нефт қазиб олиш ҳажмининг 111-1773 тонна оралиғида кескин ўзгаришига ёрдам берди. Нефт қазиб олишнинг энг катта ўсиши Фарбий Палвантош, Избоскент ва Жанубий Оламушук нефт конларида кузатилди[7]. Нефт конларидан нефт билан биргаликда нефтга йўлдош газлар ҳам қазиб олинган.

XX асрнинг бошларида қазиб олинган нефтга йўлдош бўлган нефт таркибидан ажралиб чиқадиган табиий газларни ёқиб, йўқ қилинарди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда бу маҳсулотга эътибор қаратилди. Яъни, кимё саноатининг ривожланиши натижасида қазиб олинган нефть таркибидан ажралиб чиқадиган газлардан аҳоли эҳтиёжлари учун турли ҳил маҳсулотлар тайёрлана бошланди. Шу билан биргаликда Фарғона водийсидан оз миқдорда ва республиканинг жанубий ҳудудларидан нефтдан ташқари табиий газлар ҳам қазиб олина бошланди. Қазиб олинган табиий газлар орқали саноат корхоналарини ва аҳоли турар жойларини газлаштириш ишлари амалга оширилди[8]. Саноат корхоналарини газлаштириш орқали жамиятга иқтисодий фойда келтирилди. Чунки газ кўмир ёки ёқилғининг бошқа турларига нисбатан юқори иситиш қувватига эга ҳисобланган. Шунинг учун нефт ва газ саноатига жиддий эътибор қаратилиб имкон қадар кўпроқ қазиб олишга ҳаракат қилинди.



Нефт ва газ маҳсулотлари фақатгина ёқилғи бўлиб қолмай, балки кимё саноатининг асосий хом ашёси ҳисобланган. Табиий газдан кимёвий маҳсулотлар олиш, аввало қишлоқ хўжалиги учун зарур азотли ўғитлар ишлаб чиқаришни янада кучайтиришга қулай шароит яратган эди. Натижада ацетелон ва органик синтезнинг турли маҳсулотлари, жумладан, пластмасса, ацетат ипак, сунъий жун ва бошқа маҳсулотлар тайёрлашга кетадиган хом ашёни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳатто, азотли ўғит заводларида кўмир ўрнига газдан хом ашё сифатида фойдаланиш аммиакнинг таннархини йилига 9,5 миллион рубл миқдориди камайтирилиши ҳам ҳисоблаб чиқилди. Бунинг учун республикада газ арматураси ва бошқа буюмлар тайёрлаш учун “Ташгазоаппарат” ва “Фарғонагазоаппарат” заводларининг ускуналари қайта жиҳозланди. Бошқа заводларга ҳам турли буюртмалар берилди. Масалан, хонадонларни газ билан таъминлаш учун балон тайёрлаш Қўқондаги “Большевик” заводига, 2,5-50 кубометр газ сиғадиган идишлар тайёрлаш “Ўзбекхиммаш” заводига топширилди[9]. Бу тадбирларни амалга оширилиши натижасида нефт ва газ саноатини халқ хўжалигига йўналтириш орқали водийдаги саноат корхоналарини шу жумладан, қишлоқ хўжалигида пахта якка хокимлигини ривожланишига эришилди.

Фарғона водийсидан қазиб олинган нефть қайта ишланиб, ундан керосин, бензин, машина ёғи, мазут (қора мой) ҳамда бошқа маҳсулотлар ажратиб олинади. Ажратиб олинган маҳсулотларни турларига қараб трактор, автомобиль, авиация, дизел двигателларни ишлатиш учун фойдаланилади. 1947-йилда Полвонтош нефть конидан бўр ётқизиқларидан газ олина бошланди. 1949-йилда Жанубий Оламушук нефть конининг пастки бўр ётқизиқларидан ҳам саноатга етарли нефть ва газ олина бошлади[10]. Натижада қазиб олинган газлардан унумли фойдаланиб, саноат ва аҳоли хонадонларини газлаштирилди. Жумладан, Фарғона, Андижон ва Асака (Ленин) шаҳарларига яқин бўлган нефть корхоналаридан шу шаҳарларга газ қувурлари ўтказилди. Бу шаҳарларда ҳамма йирик саноат корхоналарининг иши ва кўпгина маиший эҳтиёжлар газ ёқилғисига ўтказилди[11]. Маълумотларда келтирилишича, 1944-йилнинг октябр ойидан бошлаб Андижон вилоятидан қазиб олинган газлар Андижон шаҳри ва унинг атрофидаги айрим корхоналар, маданий-маиший муассасалар, аҳоли хонадонларига етказиб берилган[12]. Бу жараён Андижон вилоятидаги саноат





корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишига сабаб бўлган. 1950-1960-йилларда Андижон вилояти саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми бўйича республикада 7-ўринни эгаллади. У Ўзбекистоннинг нефть ва газ етказиб берувчи асосий базаси ҳисобланган. Вилоятнинг тўққиз жойида нефть ва нефть-газли конлари мавжуд бўлиб, уларга “Андижон”, “Хўжаобод”, “Бўстон”, “Жанубий Оламушук”, “Полвонтош”, “Хўжа-Усмон” ва бошқалар кирган. Ушбу конлардан нефть, табиий ва йўлдош газлар қазиб олинган[13]. Бундан ташқари ушбу вилоятда биринчилардан бўлиб янги технологияларни, янги усулларни қўллаш орқали қўшимча нефть қазिश олишга эришилди. Масалан, 1955-йилда Жанубий Оламушук нефть конига тажриба сифатида сув юборилиб, 8 минг тонна нефть қўшимча равишда қазиб олинди[14]. Фарғона водийсида нефть ва газ қазиб олишни кўпайтириш, геологик-қидирув ишларини жонлантириш, топилган конларни тезроқ ишга туширишда янги технологиялар қўлланилди. Бунда нефть ва газ қазиб олиш жараёнини автоматлаштирилди. 1958-йилда Фарғона водийсида 750 та қудуқ марказий бошқарма пультага боғланди ва нефть насосларини бошқариш иши автоматлаштирилди[14.75-б.]. Фарғона нефть комбинатининг барча нефть конларидаги чуқур насосли қудуқларни телемеханизациялаш ишлари 1959-йилга келиб тугалланди. Бу эса йилига 5 миллион сўмдан ортиқроқ иқтисодий фойда берди[15.]. Чунки телемеханизация орқали чуқур нефть қудуқларидан кўпроқ миқдорда ва осонлик билан нефть қазिशга эришилди. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, углеводород ёқилғиси ҳисобланган нефть ва табиий газ фақатгина ёқилғигина бўлиб қолмай, балки халқ хўжалигида кенг фойдаланиладиган кимё саноатининг жуда муҳим хом ашёси ҳисобланади. Нефть ва табиий газ таркибидан ажратиб олинган маҳсулотлардан фойдаланиб, халқ хўжалигини ривожлантиришга эришилди. Инсоният қадимдан нефтьнинг хусусиятларини ўрганиб ундан унумли фойдаланишга ҳаракат қилган. Совет ҳукуматининг Фарғона водийсида нефть саноатини ривожлантиришга эътибор қаратиши, бу водийнинг қишлоқ хўжалигига асосланганлиги, пахтачиликни ривожлантириш билан ҳам боғлиқ бўлган. Шунинг учун бу соҳа ривожлантирилган, лекин шу билан биргаликда ушбу соҳада ҳам камчиликлар мавжуд бўлган. Бу эса соҳанинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатган.



### Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Красивская В.Н. Эволюция государственной политики в сфере внедрения научно-технических достижений в нефтяной отрасли России-СССР (последняя черверть XIX в – 1941г.) автореферат. – Астрахань. 2020. -С.19
2. Зиёдуллаев С. Ўзбекистон экономикасининг регионал проблемалари. – Тошкент: Фан, 1987. – 42-43 б.
3. ЎзМА, Р-2762-фонд, 1-рўйхат, 1-йиғмажилд, 361-варақ.
4. Зиядуллаев С.К. Промышленность Узбекистана и основные экономические проблемы ее развития. –Ташкент: Фан, 1967. – С.68.
5. ГазиёвХ.Г., Батигин А.Г. Ўзбекистон ёкилги саноатининг ривожланиши Ўзбекистон ССР Фанлар академияси иқтисодий институти. – Тошкент: Фан. 1966. – 136 б.
6. Нормухамедов М.Ўзбекистоннинг ерости бойликлари-халқ хизматида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1985. – 20 б.
7. Назаров С.Н., Салимов А.Д. Результаты анализа кислотных обработок скважин на месторождениях Ферганы./ Нефтепромысловое дело. Научно-сборник. – Москва. 1970. – С. 12-13.
8. Зиядуллаев С., Манохин И. Социалистическая промышленность советского Узбекистана. К 25-летию образования Узбекской ССР. – Ташкент: Узбекистан, 1949. – С.113.
9. Савченко П., Буторин А. Газовая промышленность Узбекистана. – Ташкент: Госиздат, 1959. – С.16.
10. Мухидов А.Р., Тожиев Т.Т. Ўзбекистоннинг қора олтини. – Тошкен: Фан, 1972. – 27 б.
11. Бедринцев К.Н., Десятчиков Б.А. Ўзбекистон саноати 30 йил ичида. – Тошкент: Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси нашриёти, 1955. – 48 б.
12. Омонов О. Муборак газни қайта ишлаш заводи – 35 ёшда. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – 13 б.
13. Нормухамедов М. Ўзбекистоннинг ерости бойликлари-халқ хизматида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1985. – 23 б.
14. Жўракулов О. Қудратли энергия манбаи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982. – 72,75-б.
15. Шамсуддинов Ф. Фарғона области. (тарихий-иқтисодий справочник). – Тошкент: Ўзбекистон, 1974. – 61 б.

